

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ЮРИДИК ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АКАДЕМИК ВА ҲУҚУҚИЙ
ИНТЕГРАЦИЯСИ**

Абдурахимова Бегимхон

Тошкент халқаро Вестминстер университети Докторантура (илмий ишлар) мактаби катта
мутахассиси (тадқиқотлар ва ривожлантириш бўйича),
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

**МЕЖДУНАРОДНАЯ АКАДЕМИЧЕСКАЯ И ПРАВОВАЯ
ИНТЕГРАЦИЯ ВЫСШИХ ЮРИДИЧЕСКИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

Абдурахимова Бегимхон

Старший специалист (по исследованиям и развитию) Школы докторантуры
Международного Вестминстерского университета в Ташкенте,
самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического университета

**INTERNATIONAL ACADEMIC AND LEGAL INTEGRATION OF
HIGHER LEGAL EDUCATION INSTITUTIONS IN THE CONTEXT OF
GLOBALIZATION**

Abdurakhimova Begimkhon

Senior Specialist (Research and Development), Doctoral School, Westminster International
University in Tashkent,
Independent Researcher, Tashkent State University of Law

***Аннотация:** Мазкур мақолада глобаллашув шароитида олий юридик таълим муассасаларининг халқаро ташилотлар билан ҳамкорлиги, уларнинг нуфузли академик ва ҳуқуқий тармоқларга интеграциялашуви масалалари таҳлил этилган. IAUP, IAEA, IALS, GAJE, ALU SCO ҳамда UNCITRAL, SJIF: 5.051*

UNIDROIT, HCCH каби ташилотлар фаолияти орқали юридик таълим сифатини ошириш, миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва халқаро стандартларни жорий этиш имкониятлари ёритилган. Шунингдек, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг университет нуфузи, илмий салоҳият ва кадрлар тайёрлашга таъсири кўрсатилган.

Калим сўзлар: глобаллашув, олий юридик таълим, халқаро ҳамкорлик, академик интеграция, халқаро ташилотлар, IAUP, IAEA, IALS, GAJE, ALU SCO, UNCITRAL, UNIDROIT, HCCH, ҳуқуқий унификация, таълим стандартлари, илмий салоҳият, халқаро академик тармоқлар.

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы сотрудничества высших юридических образовательных учреждений с международными организациями в условиях глобализации, а также их интеграции в авторитетные академические и правовые сети. На примере деятельности таких организаций, как IAUP, IAEA, IALS, GAJE, ALU SCO, а также UNCITRAL, UNIDROIT и HCCH, раскрываются возможности повышения качества юридического образования, совершенствования национальной правовой системы и внедрения международных стандартов. Кроме того, показано влияние расширения международного сотрудничества на повышение авторитета университетов, развитие научного потенциала и качество подготовки кадров.

Ключевые слова: глобализация, высшее юридическое образование, международное сотрудничество, академическая интеграция, международные организации, IAUP, IAEA, IALS, GAJE, ALU SCO, UNCITRAL, UNIDROIT, HCCH, правовая унификация, образовательные стандарты, научный потенциал, международные академические сети.

Abstract: *This article analyses the cooperation of higher legal education institutions with international organizations in the context of globalization, as well as their integration into reputable academic and legal networks. Using the example of such organizations as IAUP, IAEA, IALS, GAJE and ALU SCO, as well as UNCITRAL, UNIDROIT and HCCH, it reveals the opportunities for improving the quality of legal education, developing the national legal system and introducing international standards. In addition, the article shows the impact of expanding international cooperation on the reputation of universities, the development of research capacity and the quality of professional training.*

Keywords: *globalization, higher legal education, international cooperation, academic integration, international organizations, IAUP, IAEA, IALS, GAJE, ALU SCO, UNCITRAL, UNIDROIT, HCCH, legal unification, educational standards, research capacity, international academic networks.*

КИРИШ

Глобаллашув шароитида олий таълим муассасаларининг халқаро майдондаги фаоллиги мамлакатнинг илмий, таълимий ва ҳуқуқий салоҳиятини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, юридик таълим соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида иштирок этиш ва нуфузли халқаро академик тармоқларга аъзо бўлиш миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, замонавий таълим стандартларини жорий этиш ҳамда юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон юридик университетларининг олий таълим ва олий юридик таълим соҳасидаги халқаро уюшмалар (IAUP, IAEA,

IALS, GAJE, ALU SCO ва бошқалар), шунингдек, халқаро-ҳуқуқий унификация соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар (UNCITRAL, UNIDROIT, HCCH ва бошқалар) билан ҳамкорлигини кенгайтириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумот ўрнида: Халқаро ташкилотлар ва уларнинг фаолияти

International Association of University Presidents (IAUP) – дунё университетлари ректорлари ва президентларини бирлаштирувчи ташкилот. Олий таълимда халқаро ҳамкорлик ва академик етакчилик масалалари билан шугулланади.

International Association for Educational Assessment (IAEA) – таълим сифатини баҳолаш ва тест тизимлари соҳасида фаолият юритади.

Institute of Advanced Legal Studies (IALS) – University of London таркибидаги ҳуқуқий тадқиқот институти. Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик бўйича тадқиқотларни ривожлантиришга қаратилган.

Global Alliance for Justice Education (GAJE) – ҳуқуқий таълим, юридик клиникалар, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат соҳасидаги халқаро академик тармоқ.

Association of Law Universities of SCO (ALU SCO) – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари юридик университетлари ҳамкорлик платформаси. Қўшма тадқиқотлар, талабалар алмашинуви ва ҳуқуқий таълимни ривожлантиришга хизмат қилади.

Халқаро ҳуқуқий унификация ташкилотлари:

UNCITRAL — БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси.

UNIDROIT — хусусий ҳуқуқни халқаро даражада унификация қилиш бўйича институт.

HCCH — халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси.

Халқаро ташкилотларга аъзоликнинг стратегик аҳамияти

Замонавий олий таълим муассасалари фақат миллий таълим маконида эмас, балки халқаро таълим ва илм-фан тизимида ҳам ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Халқаро ташкилотларга аъзолик университет учун бир қатор афзалликларни таъминлайди.

Биринчидан, университетнинг халқаро нуфузи ва рейтинги ошади. Дунёдаги етакчи университетлар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш имкониятлари кенгаяди. Бу эса талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг академик мобиллигини кучайтиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, таълим дастурларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш имкони пайдо бўлади. Халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган илғор тажрибалар, методик қўлланмалар ва таълим технологиялари миллий таълим жараёнига жорий этилади.

Учинчидан, халқаро грантлар ва илмий лойиҳаларда иштирок этиш имкониятлари кенгаяди. Бу университетнинг илмий салоҳиятини ошириш ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш учун муҳим ресурс ҳисобланади.

Олий юридик таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг истиқболлари

Юридик таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар ҳуқуқий таълимни ривожлантириш, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш сифати ва илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга қаратилган фаолият олиб боради.

Масалан, IAUP университетлар ўртасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, таълим сифати ва академик бошқарувни такомиллаштиришга хизмат қилади. IALS эса ҳуқуқ соҳасидаги илмий

тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

GAJE ташкилоти орқали юридик таълимда ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари ва клиник таълим йўналишларини ривожлантириш мумкин. ALU SCO платформаси эса Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари юридик олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини беради.

Мазкур ташкилотлар доирасида ТДЮУ профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчилари халқаро конференциялар, форумлар, семинарлар ва қўшма тадқиқотларда иштирок этиш орқали ўз билим ва тажрибаларини бойитишлари мумкин.

Халқаро-ҳуқуқий унификация соҳасидаги ташкилотлар билан ҳамкорликнинг аҳамияти

Бугунги кунда халқаро савдо, инвестициялар, рақамли иқтисодиёт ва трансчегаравий муносабатларнинг кенгайиши ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро уйғунлашувини талаб этмоқда. Шу сабабли UNCITRAL, UNIDROIT ва HCCH каби ташкилотларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

UNCITRAL халқаро савдо ҳуқуқини бирхиллаштиришга қаратилган намунавий қонунлар, конвенциялар ва ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқади. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон бозорига интеграциялашуви шароитида мазкур ташкилот фаолиятини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

UNIDROIT хусусий ҳуқуқни халқаро даражада унификация қилиш бўйича етакчи ташкилот ҳисобланади. Унинг халқаро шартномалар ва

хуқуқий принциплар соҳасидаги ҳужжатлари миллий қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

НССН эса халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган конвенциялар ишлаб чиқади. Бу ташкилот фаолиятини ўрганиш орқали трансчегаравий оилавий, фуқаролик ва тижорат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илғор тажрибаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш имконияти пайдо бўлади.

Университет раҳбарияти ва мутахассисларининг фаол иштирокини таъминлаш масалалари

Халқаро ташкилотларга аъзоликнинг ўзи етарли эмас. Энг муҳим жиҳат – университет вакиллариининг ушбу ташкилотлар фаолиятида мунтазам ва самарали иштирокини таъминлаш ҳисобланади.

Бунинг учун:

- халқаро ташкилотлар билан ишлаш бўйича махсус координаторлар фаолиятини йўлга қўйиш;
- профессор-ўқитувчиларнинг халқаро анжуманларда иштирокини молиявий қўллаб-қувватлаш;
- халқаро ташкилотлар йиғилишлари ва муҳокамалари бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш;
- халқаро экспертлар иштирокида илмий-амалий семинарлар ташкил этиш;
- талабалар ва ёш олимларни халқаро ҳуқуқий лойиҳаларга жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Натижада университетнинг халқаро майдондаги иштироки фаоллашади ва халқаро ҳуқуқий жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятлари кенгаяди.

Халқаро ташкилотлар тадбирларини Ўзбекистонда ўтказиш истиқболлари

Халқаро ташкилотлар йиғилишлари, конференциялари ва форумларини Ўзбекистонда ташкил этиш мамлакатнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилади.

Бундай тадбирларнинг мамлакатимизда ўтказилиши қуйидаги натижаларни таъминлайди:

- Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ислохотлари халқаро ҳамжамиятга кенг тарғиб қилинади;
- маҳаллий олимлар ва мутахассисларнинг халқаро экспертлар билан бевосита мулоқоти таъминланади;
- мамлакатнинг инвестициявий ва ҳуқуқий жозибадорлиги ортади;
- юридик таълим ва илм-фан соҳасида янги ҳамкорлик лойиҳалари шаклланади.

Шу муносабат билан ТДЮУ томонидан халқаро ташкилотлар котибиятлари билан музокаралар ўтказиш, ҳамкорлик меморандумлари имзолаш ва халқаро тадбирларни қабул қилиш инфратузилмасини такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Хулоса: Ўзбекистон юридик университетларининг олий юридик таълим ҳамда халқаро-ҳуқуқий унификация соҳасидаги нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ва улар фаолиятида фаол иштирок этиши миллий юридик таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантиришга хизмат қилади. Бу жараён университетнинг халқаро нуфузини ошириш, ҳуқуқий тадқиқотлар сифатини юксалтириш, замонавий

хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, мазкур ташкилотлар йиғилишлари ва форумларини Ўзбекистонда ўтказиш мамлакатнинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга, ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни жаҳон ҳамжамиятига кенг намойиш этишга ҳамда халқаро академик ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.